

**Серёгин об-ҳаво шароитида ғўзани парваришlash агротехник  
тадбирларини амалга ошириш бўйича тавсиялар  
(Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун)**

Республикада жорий йил апрел ва май ойларининг ҳар йилгидан кўра серёгин ва ҳароратни салқин келиши, **сурункали ёғингарчиликлар** ва айрим жойларда **жала ёғиши** чигит экилган майдонларда тўлиқ ниҳол олиш ва униб чиққан майдонларда **ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.**

Ҳудудларда бўлиб ўтаётган **сурункали ёғингарчиликлар** ғўза майдонларида тупроқда ортиқча намликни кўпайишига олиб келмоқда.

Бу эса тупроқ **ҳароратини пасайиши**, чигит униб чиқаётган майдонларда тупроқнинг юза қисми **зичлашиб**, “қатқалоқ” ҳосил бўлишига, ғўзани бўғзи қотиб “девор” ҳосил бўлиши, далаларни кучли **бегона ўт** босиши сабабли ўсимлик илдиз тизимининг ривожланмаслиги оқибатида берилган **минерал ўғитларнинг самараси** камайишига сабаб бўлмоқда.

Натижада ғўза ниҳоллари нимжон ва айрим жойларда нобуд бўлиши ҳамда ғўзанинг барги белгиланган меъёрлардан **2-3 баробар** кичик бўлиб қолиши кузатилмоқда.

Хусусан, тупроқда намликни ошиши ҳамда ҳаво ҳароратини пасайиб кетиши ғўзанинг кузги тунлам, шира, трипс, оққанот зараркунандалари ва гоммоз, илдиз чириш каби касалликларни кўпайиши учун қулай шароит яратиб, ниҳолларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу эса ғўза майдонларида ривожланаётган ғўза ниҳолларини ўсишини **10-15 кунгача** кечиктирмоқда.

Жорий йилдаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ғўзани парваришlashда қуйидаги комплекс агротехник тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

**Биринчидан**, ҳудудларнинг турли даражада шўрланган ва механик таркиби ўрта ва оғир тупроқларида илдиз чириш ва гоммоз касалликларини олдини олиш ва тупроқдаги ортиқча намни камайтириш, ўсимликнинг илдиз қисмига ҳаво ва иссиқлик киришини таъминлаш учун зудлик билан ғўза қатор орасига сифатли ишлов беришни ташкил этиш зарур.

Бунда, 60 см қатор оралиғида культиваторларга **31-33 та**, 76 см ва 90 см қатор оралиқларида **37-39 та** ва қўшқаторда **41-42 та** ишчи орган ўрнатилиши лозим.

Культиваторларга ишчи органлар тўлиқ ўрнатилганда ниҳолларнинг илдизи томон ҳар иккала ён томондан тупроқ орасига иссиқ ҳаво кириши яхшиланади.

Шунингдек, тупроқнинг сув-физик, микробиологик хусусиятлари, ҳаво алмашинуви ва озиқа тартиби яхшиланади, бегона ўтларнинг асосий қисми

йўқотилади ғўзанинг илдиз тизими пастга қараб ривожланади ва ниҳоллар дуркун ўсади.

Бу йилги шароитда қатор ораларига тупроқни қиздириш ва ортиқча намликни йўқотиш учун бегона ўт кенг тарқалган майдонларда культиваторга пичоқлар ўрнатилиши, қолган майдонларда ККО, наральник типигаги юмшатовчи ва чуқур ишлов берувчи ғозпанжалар ўрнатиб ишлатиш тавсия этилади.

**Иккинчидан,** ғўзада 1-2 чинбарг ҳосил бўлганда яганалаш ва мақбул кўчат қалинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жорий йилда ғўзанинг тезпишарлигини таъминлаш мақсадида, яганалашда 15-20 % кўпроқ миқдорда кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ.

Бунда, ғўза 60 см қатор оралиғида экилган майдонларда унумдор тупроқларда гектарига 90-100 минг, ўртача унумдор тупроқларда 110-120 минг, унумдорлиги паст тупроқларда 130-140 минг туп, 90 см қатор оралиғида мос равишда 100-110 минг, 120-130 минг, 140-150 минг туп, 76 см қатор оралиғида мос равишда 100-110 минг, 110-120 минг, 120-130 минг туп, кўшқатор экилган майдонларда эса 140-160 минг тупдан кам бўлмаслигини таъминлаш, хорижий навлар экилган майдонларда эса 160-180 минг, 180-200 минг ва 200-220 минг туп қолдирилиши тавсия этилади.

**Учинчидан,** чигит кеч экилиб, ниҳоллар униб чиқаётган далалар ҳамда қатқалоқ ҳосил бўлган майдонларда қатқалоқни бартараф этиш ва тупроқнинг устки қатламини майин донадор ҳолда сақлаш учун ротацион матигалар ва турли мосламалар билан қатқалоқни зудлик билан юмшатиш лозим. Акс ҳолда қатқалоқ қалинлашиб, зичлашганда ниҳоллар униб чиқмайди, далада сийрак кўчат олинади ва ҳосилдорликка путур етказилади.

**Тўртинчидан,** бегона ўтларга қарши курашда агротехник, кимёвий ва механик усуллардан кенг фойдаланиб, уларни ғўзага жиддий зарар етказишини олдини олиш, бунда культиваторга пичоқ ўрнатиш ва ишчи органларни тўлиқ ва сифатли жойлаштириш, қўлда майин чопиқ ишларини ташкил этиш, бир паллали бегона ўтлар (ғумай, қамиш, курмак, шамак, ажриқ ва бошқалар)га қарши Зеллек супер (1,5-2 л/га), Клидомит (1,5-2 л/га), Селект (1,0-1,5 л/га) ва шу каби гербицидларни қўллаш яхши самара беради.

**Бешинчидан,** ёш ғўза ниҳолларига серёгин ва салқин об-ҳаво шароитида биостимуляторлар билан ишлов бериш натижасида ўсиши ва ривожланиши тезлашади, шона, гул каби ҳосил элементлари тўплашига ижобий таъсир этади, табиий ноқулайликларга бардошлилиги ошади.

Ғўза **2-4 чинбарг** даврида ривожланаётган далаларда азотли (*карбамид*) ўғит ёрдамида баргидан озиклантириш тадбирларини ташкил этиш (4,0-5,0 кг карбамид), таркибида турли макро ва микроэлементлар бўлган биостимуляторлар билан ишлов бериш, ўсимликнинг илдиз тизими кучли ривожланишига, касалликларга бардошлилиги ортишига, ниҳолларнинг бўйига ўсиши ва ривожланиш давлари жадаллашишига олиб келади. Бунда “Узбиогумин” (0,4-0,5 л/га), “Иммуноактив” (30 мл/га), “Фитовак” (200

мл/га), “Биодукс” (2,0-3,0 мл/га), Органит N (1,0 л/га), Органит P (1,0 л/га), “Геогумат” (1,6 л/га), “Мэрс” (0,3 л/га), “Лебозол Магфос” (4,0 л/га), “Аминозол” (1,0-2,0 л/га), “Лебозол Квадро Микс С” (1,5 л/га), “Ҳосилдор” (0,4 л/га), “Найкл” (1,0 л/га) меъёрларда қўлланилиб, **250-300 литр** сувга аралаштирилади ва ишчи эритма ҳолида ўсимликка сепилади.

**Ғўза шоналаш** даврида ривожланаётган далаларда эса ”Узбиогумин” (0,5-1,0 л/га), “Фитовак” (400 мл/га), “Геогумат” (1,6 л/га), “Найкл” (2,0 л/га), “Мэрс” (0,5 л/га), “Лебозол калий-450” (2,0-5,0 л/га), “Лебозол МагС СК” (3,0 л/га), “Ҳосилдор” (0,6 л/га), “Форал БМО” (1,0 л/га), “Экосил” (1,0 л/га), “Карбамид” ўғитидан (7,0-8,0 кг/га) меъёрларда сепилади. Бунда ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири янада ортади, шоналар ва гуллар сони кескин ошади.

**Олтинчидан**, ёғингарчиликлар натижасида тупроқда юқори миқдорда намлик юзага келганлигини инобатга олиб, илдиз тизимини яхши ривожланишини таъминлаш учун биринчи ва иккинчи культивация орасида махсус мосламалар ёрдамида чуқур юмшатиш ишларини 2 марта ўтказиш керак.

Бунда биринчи мартада механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда **22-25 см**, механик таркиби оғир тупроқларда **26-28 см**, пастки қаттиқ гипс (ганч) қатлами бўлган ерларда **30-35 см** юмшатиш, ўсимликни ўсиши ва ривожланиши яхшилайдди. 2-марта чуқур юмшатиш ишларини иккинчи ва учинчи культивациялар орасида ўтказилади.

Бунда, қатор ораси 60 см ва қўшқатор (60-30) экилган ғўза қатор ораси 30-35 см, 76 см схемада экилганда 35-38 см, 90 см схемада экилганда 40-42 см чуқурликда ишлов бериш лозим. Чуқур юмшатиш ишларини фақат кичик ғозпанжа ўрнатилган мосламада амалга ошириш керак.

Хусусан, сизот сувлари яқин жойлашган туманларда тупроқда ортикча (аччиқ) зах мавжуд ерларда тез-тез ва чуқур культивация қилиш, илдиз чириш, гоммоз касалликлари ва шўрнинг кўчатга таъсирини камайтиради.

Қатор ораларидаги тупроқнинг намини тезда қочириш мақсадида чизел культиваторнинг юмшатувчи панжалари ўрнатилган алоҳида қурилмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Еттинчидан**, сурункали ёғингарчилик ва паст ҳарорат натижасида ўсишдан тўхтаб, қизилпоя бўлиб қолган ғўзанинг бўғзига иссиқ тупроқ тортиш ва ҳаво алмашинувини яхшилаш мақсадида жўяк олиш ва буни бир ҳафтадан кейин бузиб, яна қайта жўяк олишни амалга ошириш лозим.

Бунда ўсимлик қўшимча **2-3 даража** фойдали ҳароратни кўп олиб, ўсиши ва ривожланиши 7-8 кунга тезлашади.

**Саккизинчидан**, ғўза ниҳолларини жадал ривожлантиришнинг яна бир асосий омили минерал ўғитлар билан озиқлантириш ҳисобланади.

Шу боис жорий йилда ғўзани ўсиши ва ривожланиши турлича бўлаётганлигини ҳисобга олиб минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишларини табақалаштирилган ҳолда олиб бориш тавсия этилади.

Бунда:

- ғўза 3-4 чинбарг чиқарган майдонларда азотли ўғитларни йиллик меъёрини 25-30 %, калийли ўғитларни 15-20 % ва фосфорли ўғитларни 20-25 % меъёрида;

- ғўза 5-6 чин барг чиқарган майдонларда азотли ўғитларни йиллик меъёрини 30-35 %, калийли ўғитларни 20-25 % ва фосфорли ўғитларни 25-30 % меъёрида;

- ғўзани шоналаш фазасида ривожланаётган майдонларда эса азотли ўғитларни йиллик меъёрини қолган 35-45 %, калийли ўғитларни 55-65 % ва фосфорли ўғитларни 45-55 % меъёрида қўллаш тавсия этилади.

Қўшқаторда парваришланаётган майдонларда минерал ўғитлар меъёри 15-20 % қўшимча қўлланилади.

Хусусан, фосфорли ва калийли ўғитлар маълум сабаб билан чигит экишгача берилмаган ғўза майдонларига биринчи озиклантиришда (3-4 чинбаргда) калийли ўғитларни йиллик меъёрини 100 %, иккинчи озиклантиришда (шоналашда) фосфорли ўғитларни 100 % бериш лозим.

Озиклантирилган майдонларни тупроқ механик таркибидан келиб чиқиб, 600-700 м<sup>3</sup>/га меъёрда қатор оралатиб енгил суғориш тавсия этилади.

**Тўққизинчидан,** тупроқда намлик кўп шароитда ва сизот сувлари яқин ерларда ғўза ҳосилга кирмай ғовлаб, бўғин ораликлари узайиб кетиши мумкин. Ғўзанинг тупроқдан ўзлаштирган озика моддалари пастки ярусдаги ва янги ҳосил бўлаётган шоналарга етишмай, фақат бўйига ўсишига олиб келади. Ғўзани ғовлашининг олдини олиш, бўйига ўсишини секинлатиш, ҳосил элементлари сонини кўпайтириш, сув ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш учун ретардантлардан фойдаланиш, бунда таркиби мепикват хлорид бўлган Энтожеан, Сожеан, Супер стар, Химжеан, Мепикват хлорид ва бошқа препаратларни қўллаш тавсия этилади.

Ғўзанинг 6-8 чин барг ва шоналаш даврида бўйи 15-20 см бўлганда юқоридаги дорилар 10-15 г/га, гуллаш даври бошида ўсимлик бўйи 40-50 см бўлганда 30-40 г/га сепилса, бўйига ўсиб ғовламайди, шона ва гуллар сони ортади, ғуж-ғуж ҳосилга киради. Ғўзанинг ҳосил туғиш даврида 11-12 ҳосил шохи пайдо бўлганда эса 60-80 г/га меъёрда қўлланилади, натижада ғўза бўйига ва ёнига ўсишдан тўхтайдди, ҳосил элементлари тўкилиши 10-20 % камаяди, бўғин ораликлари қисқариб, кўсаклар сони 3-5 донага ортади, очилиши 15-20 % тезлашади.










**Ўнинчидан,** ҳавони серёғин келиши шира ва трипс каби сўрувчи хашаротларнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади. Шу сабабли шира сони кўпайган майдонларга кимёвий ишлов бериш лозим. Бунда, микробиологик препаратлардан Биослип БВ, Биослип БТ ёки таркибида ацетамиприд, имидаклоприд, тиаметоксам бўлган кимёвий препаратлардан қўллаш тавсия этилади.

Биологик препаратлар билан ишлов берилган майдонларда 5-6 кундан кейин далада 1000 дона олтинкўз чиқариш лозим.

Бундан ташқари, ғўза ниҳолларини шира, трипс, ўргимчаканадан химоя қилиш мақсадида биологический лабораториялардаги мавжуд барча олтинкўзларни гектарига 500-1000 дона ҳисобида 3 марта чиқариш зарур.

Кузги тунламга қарши кураш учун ҳар 2-3 гектар майдонга бир дона феромон тутқич ўрнатилади. Кузги тунлам капалаги феромон тутқичда 2 дона тушган далага белгиланган тартибда ҳар 3-4 кунда трихограммани 1 граммдан чиқариш лозим.

Ушбу тавсиянома Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тайёрланди.

- |    |                                    |  |   |
|----|------------------------------------|--|---|
| 1. | Намазов Шодмон<br>Эргашевич        | ПСУЕАИТИ директори,<br>к.х.ф.д., академик            |    |
| 2. | Нурматов Шермат<br>Нурматович      | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.д., профессор |   |
| 3. | Тешаев Шухрат<br>Жўракулович       | ПСУЕАИТИ Етакчи илмий<br>ходим, к.х.ф.д., профессор  |  |
| 4. | Халиков Баҳодир<br>Мейликович      | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.д., профессор |  |
| 5. | Хасанова Фирюза<br>Маърифовна      | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.н., профессор |  |
| 6. | Абдуалимов Шухрат<br>Хамадуллаевич | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.д., профессор |  |
| 7. | Ниязалиев Бегали<br>Ирисалиевич    | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.д., профессор |  |
| 8. | Камилов Бахтиёр<br>Султанович      | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.н., профессор |  |
| 9. | Авлиякулов<br>Мирзоолим Авазович   | ПСУЕАИТИ лаборатория<br>мулдери, к.х.ф.д.            |  |